

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 718-ҳадис

11 - ҲАҚИҚАТ

11-боб

Меҳмонни ҳурмат қилиш хусусида

Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад), сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар (Иброҳимнинг) ҳузурига кириб: «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом. (Булар) нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг у аста оиласи олдида чиқиб, (қовурилган) бир семиз бузоқни келтирдида, уни уларга яқин қилиб: «(Таомдан) емайсизми?», деди» (Зарият сураси, 24-27-оятлар).

Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад), сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар (Иброҳимнинг) ҳузурига кириб: «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом. (Булар) нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг у аста оиласи олдида чиқиб, (қовурилган) бир семиз бузоқни келтирдида, уни уларга яқин қилиб: «(Таомдан) емайсизми?», деди» (Зарият сураси, 24-27-оятлар).

Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад), сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими? Ўшанда улар (Иброҳимнинг) ҳузурига кириб: «Салом», дейишган эди, у ҳам: «Салом. (Булар) нотаниш қавм-ку», деди. Сўнг у аста оиласи олдида чиқиб, (қовурилган) бир семиз бузоқни келтирдида, уни уларга яқин қилиб: «(Таомдан) емайсизми?», деди» (Зарият сураси, 24-27-оятлар).

«(Дарҳақиқат, Лут пайғамбар ҳузурига йигитлар келганини эшитишгач), қавми унинг олдида чоғиб келишди. Улар илгаридан ёмон ишлар — баччабозлик қилар эдилар. У айтди: «Эй қавмим, анави қизларим (яъни шахримиздаги қизлар) сизлар учун покроқ-ку (яъни ўшаларга уйланверсангизлар бўлмайдими)?! Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва меҳмонларим олдида мени шарманда қилманглар. Орангизда бирон тўғри йўлга юргувчи киши йўқми?!» (Худ сураси, 78-оят), деб айтган.

718 - ҲАҚИҚАТ

1. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қариндошлари билан алоқани тикласин! Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин!» дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI